

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАЛИЛОВА ЛОЛА ЖАЛИЛОВНА**

**XX АСР БОШИДАГИ АМЕРИКА САТИРИК НОВЕЛЛАСИНИНГ**  
**ПОЭТИКАСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам  
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

**Жалилова Лола Жалиловна**

XX аср бошидаги Америка сатирик новелласининг поэтикаси..... 3

**Жалилова Лола Жалиловна**

Поэтика американской сатирической новеллы начала XX века..... 23

**Jalilova Lola Jalilovna**

The Poetics of American Satiric Short Stories at the Beginning of the 20th  
Century ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 49

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАЛИЛОВА ЛОЛА ЖАЛИЛОВНА**

**XX АСР БОШИДАГИ АМЕРИКА САТИРИК НОВЕЛЛАСИНИНГ**  
**ПОЭТИКАСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.4.PhD/Fil657 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Лиходзиевский Анатолий Степанович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Насруллаева Нафиса Зафаровна</b> филология фанлари доктори, доцент <b>Низамова Мунира Низамовна</b> филология фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети</b>

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» май соат 09<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz).)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (55 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14.)

Диссертация автореферати 2021 йил «05» май куни тарқатилди.  
(2021 йил «05» май даги № 1098 - рақамли реестр баённомаси).



**Д.С. Ўраева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**З.И. Расулов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**М.М. Жўраева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон замонавий адабий контекстида романтизм даври тарихий ҳодисаси сифатида намоён бўлган «новелла» ёки «қисқа ҳикоялар» жанри, унинг Америка миллий адабиётининг шаклланишидаги ва насрий ижод тенденцияларини белгилашдаги роли тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. XIX аср боши новеллистик жанр доирасида яратилган сатира намуналарининг инсон дунёқарашидаги янги усул ва тамойиллар негизида поэтик талқин этилиши замонавий адабий жараён қонуниятларини тўлиқ англашда муҳим аҳамият касб этади. Америка маданияти кўрсаткичи – сатирик новелланинг поэтикасини аниқлаш унинг тарбиявий, сентиментал, фалсафий характерини белгилашга, интертекстуаллик ва интердискурсивлик назарияларининг бойитилишига имкон яратади.

Дунё адабиётшунослигида Америка новеллист ижодкорлари Роберт Бенчлининг сатирик қисқа ҳикоялари бадиий поэтикасининг миллий-маданий хусусиятлари, Жеймс Тёрбернинг XX аср бошларидаги Америка жамияти нуқсонлари ва камчиликларини, «кичик одам» образини тасвирлашдаги маҳорати кенг кўламда тадқиқ қилинган. Замонавий хорижий адабиётда ёзувчиларнинг қабул қилиш табиати, бадиий, ғоявий, маънавий, поэтик жиҳатларини ёритиш, «новелла» жанрнинг ўзига хос хусусиятларини ёритишга алоҳида диққат қаратилмоқда. Жумладан, Роберт Бенчли ва Жеймс Тёрбернинг шахс маънавий ва ахлоқий камолотига бағишланган асарлари қиёси инсон муаммолари ва муносабатларининг яширин сабабларини асослашга, қисқа ҳикоялар бадиий-поэтик концепциясини илмий-назарий баҳолаш жиҳатидан ёритишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизнинг янги ислохотлар босқичига ўтиш жараёнида илм-фан соҳасидаги туб ўзгаришлар адабиётшунослик йўналишларини, унинг устувор вазифаларини муайян даражада белгилаб берди. «Ўқувчиларни хориж адабиётининг ёрқин намуналари билан яқиндан таништириб бориш ҳамда жаҳон адабиётидаги жараёнларни холис ва ҳаққоний таҳлил қилиш орқали ўзбек адабиётини янги ижодий тажрибалар билан бойитиб бориш»<sup>1</sup>.

Жумладан, жаҳон адабиёти намуналарини маълум бир халқ ва миллат маданиятидаги ўхшаш ва фарқли ҳодисалар билан таққослаган ҳолда ўрганиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»,

---

<sup>1</sup>2018 йил 18 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

2017 йил 11 августдаги ПҚ- 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшуносликда Э.Жоргенсен ва Кетрин МакГи Кенни каби хорижий адабиётшунослар Роберт Бенчли ва Жеймс Тёрбер ижоди таҳлиliga бағишланган тадқиқотларида адибларнинг асарда ифода этган ижтимоий муаммо, юморда жинс муаммоси, муаллифларнинг шахсий ҳаётини ўрганган<sup>2</sup>.

Рус адабиётшунослигида сатира ва ҳазилнинг умумий ва ўзига хос муаммолари Э.А. Аллахярованинг «Жомидин асарларида сатира ва ҳазил» (2005), Е. Б. Бочкареванинг «Н.А.Тефи бадиий дунёсида комедия» (2009), Э.Г. Дадаяннинг «В. Аксенова прозасида комедия поэтикаси» (2010), А.Ф. Петренконинг «М.А. Булгаковнинг 1920-йиллардаги сатирик прозаси: Комик поэтикаси» (2000), Р.К. Гудмананнинг «Жалололдин Балхийнинг «Маснавий Манавий»ида сатира (2011); хусусан, Т.В. Кирееванинг «Ж.Барт 1950-1960 йиллардаги романларида комик (комедия) поэтикаси» (2007), И.В. Волкованинг «Жон Барт ижодида интертекстуаллик ва пародия» (2006) диссертацияларида Америка ҳазилининг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинган. XIX-XX аср файласуфлари комизмнинг ижтимоийлигига, комизм ва юмор тоифаларининг инсон ва жамият билан узвий боғлиқлигига алоҳида эътибор беришган (А. Бергсон, Б. Дземидок). Ҳозирги кунда комизм ва юморни ўрганишга бағишланган тадқиқотларда мазкур категорияларнинг табиати ва функцияларига турлича фикр билдирилмоқда.

Ўзбек адабиётшуносликда ўзбек адабиёти материаллари асосида «сатирик новелланинг» умумий муаммолари Х. Тўхтабоев, Н. Раҳимов сингари адабиётшуносларнинг асарларида, шунингдек, С.Т. Тилабов, З. Ахмедова ва бошқаларнинг диссертацияларида ўрганилган<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> Jorgensen, Andrew S., James Thurber's Little Man and the Battle of the Sexes: The Humor of Gender and Conflict, 2006. 946. <https://scholarsarchive.byu.edu/etd/946>; Kenney, Catherine McGehee, The World of James Thurber: An Anatomy of Confusion .Dissertations. Paper 1425. LoyolaUniversityChicago, USA, 1974. [http://ecommons.luc.edu/luc\\_diss/1425](http://ecommons.luc.edu/luc_diss/1425)

<sup>3</sup>Тухтабаев Х. Смех мое оружие. – М.: Детская литература,1982. – С.8; Раҳимов Н. Узбек совет сатираси тарихидан (1917-1959) Т.: Фан, 1962; Тилабов С.Т. Сатира Нозила Худжанди: Образ. Стил. Мастерство: Автореф. дисс. канд фил. наук. – Худжанд, 2009; Ахмедова З. Юмор и сатира в узбекской детской поэзии (60-70-х годов): Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1984. – С.16.

Мазкур диссертация XX аср бошларида Америка Қўшма Штатлари бадий адабиётида бевосита сатирик новеллага (қисқа ҳикояларга) бағишланган адабиётшунослик соҳасидаги биринчи тадқиқотдир. Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Р. Бенчли ва Ж. Тёрбернинг фойдаланиш маҳорати монографик тарзда текширилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари: адабий жараён, қиёсий адабиётшунослик, услубшунослик ва тилшунослик масалалари» (2019-2024 йй.) йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XX аср бошлари АҚШ адабиёти намояндалари Роберт Бенчли ва Жеймс Тёрбер ижоди мисолида мазкур давр сатирик новелланинг поэтикасини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

«новелла» жанрининг, хусусан сатирик новелланинг назарий асосларини аниқлаш;

америка сатирик новелланинг ўзига хослиги ва генезисини, унинг жанрий шаклланишини, новелла жанридаги асарлар поэтик тараққиётига Р. Бенчли ва Ж.Тёрбер новелланавислик маҳоратининг таъсирини далиллаш;

Роберт Бенчлининг сатирик қисқа ҳикоялари ва эсселари асосида жанр бадий хусусиятларини ўрганиш;

Р. Бенчли ва Ж.Тёрбер асарларида сатиранинг табиатини очиб бериш ва замонавий хорижий адабиётда ёзувчилар ижодини рецепиент томонидан қабул қилиниш ҳолатларини таҳлил қилиш;

хар иккала ёзувчи қисқа ҳикояларининг бадий концепцияси, хусусан, «кичик одам» образи тафаккурида Америка жамиятидаги миллий анъаналарни англаши учун турли ўзгаришларга дуч келганини асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XX аср бошларида АҚШ адабиёти намояндалари Р. Бенчли ва Ж. Тёрбернинг «новелла» жанрида сатирик новелла турида яратган асарлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Роберт Бенчли ва Жеймс Тёрбер томонидан «новелла» жанрида ёзилган сатирик новелла асарлар поэтикаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда аналитик, қиёсий-тарихий, тизимли, ижтимоий-маданий ва лингво-когнитив таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Р. Бенчли ва Ж. Тёрбер асарларида мазмун, жанр, услубий хусусият, композицион тузилма, шаклий ифодани қамраб олган матнро боғлиқлик ва матннинг экстралингвистик муҳитда реал коммуникатив вазиятни

воқелантирадиган матнаро боғлиқлик категориялари рамзий образлар, пародиялар, аллюзиялар, қаҳрамонлар оғзаки нутқи каби бадиий тасвир воситалари орқали намоён бўлиши далилланган;

Ж.Тёрбер адабий-сатирик ижодининг бадиий-тарихий, ғоявий-ижтимоий шартланганлигида оила муҳити, АҚШдаги «Буюк Депрессия» давридаги ўзгаришлар, Иккинчи жаҳон уруши воқелиги каби омилларнинг устуворлиги асосланган;

XX аср бошидаги жамиятнинг ижтимоий-ахлоқий муаммолари, анъаналари ва уларнинг ривожланиши Р. Бенчли ва Ж. Тёрбер сатирик новеллаларининг бадиий концепцияси, ғоявий-ахлоқий моҳияти, ижодкорлар идиостили, эстетик стратегияси орқали намоён бўлганлиги аниқланган;

ҳар иккала адиб ижодида хафагарчилик, аёлларга нафрат, инсонларга нафрат, золим жамиятдан қочиш, муаммони мантиқий ҳал этишда тушқунлик, муаммони четлаб ўтиш каби мотивларни воқелантиришда қаҳрамоннинг шахсий муаммолари, маънавий ва психологик изланишлари етакчи ўрин эгаллаши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Америка адабиётида «новелла» жанрининг хусусан сатирик новелланинг ўзига хос хусусиятлари ва генезисини тушуниш учун бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган, америкалик ёзувчиларнинг асарлари ҳозирги кун долзарб муаммоларини кўтариб, Америка сатирик новелланинг типик намуналари эканлиги исботланган;

сатирик образ тасвирида поэтика назариясини, унга хос хусусиятларни ўрганиш бўйича жаҳон адабиётшунослиги методологияси бойитилган;

сатиранинг ҳажвий асар сюжети бадииятини оширишдаги эстетик роли, ўзига хос поэтик хусусиятлари ва вазифаларининг очиб берилиши бугунги кунда ёш авлоднинг ўзлигини англаши, руҳий кечинмаларини тушунишида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-бадиий манбалардан олинганлиги, қиёсий-тарихий, тавсифлаш, компонент таҳлил, лингвокультурологик, компонент таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан адабиётшунослик соҳасида қисқа ҳикоялар бадиий-поэтик концепциясига доир назарияларни шакллантиришда, турли давр ва макон адабий жараёнлари қонуниятлари ва анъаналарини илмий далиллашда, шунингдек, адабиётшунослик, маданиятшунослик ва тилшуносликда кенг тарқалган интертекстуаллик назариясининг энг муҳим босқичларини ва унинг ривожланиши жараёнида шаклланган ва ҳозирги босқичига хос бўлган асосий йўналишларини белгилашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг филология факультетлари бакалавр йўналиши талабалари Америка адабиёти тарихи бўйича махсус курслардан маъруза ва семинарларни ўқитишда қўлланилиши ҳамда чиқарилган илмий хулосалардан диссертациялар, монографиялар, дарсликлар ва АҚШ адабиёти тарихи бўйича ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Америка адабиётининг икки вакили Роберт Бенчли ва Жеймс Тёрбернинг асарлари поэтикасини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида:

новелла жанрининг ривожланиши, Р. Бенчли ва Ж. Тёрбер асарлари асосида Америка сатира ва юмор поэтикаси хусусиятларига доир хулосалардан Ф-1-06 рақамли «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарку-Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2012-2016 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 89-03-3262-сон маълумотномаси). Натижада новелла жанридаги асарлар поэтик тараққиётига жаҳон адиблари новелланавислик маҳоратининг таъсирини аниқлаш этиш имконини берди;

мулоқот жараёнида тил бирликларидан фойдаланишнинг ижтимоий хосланиши, мулоқотда юзага келувчи сатирик ҳамда киноявий маъноларни ҳосил қилувчи вербал ва новербал ҳодисаларни қиёсига доир хулосалардан ОТ-Ф1-18-рақамли «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2017-2020 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 89-03-3262-сон маълумотномаси). Натижада турли тизимли тиллардаги лисоний бирликларнинг лингвокогнитив хусусиятларини очиқ беришда, тил хусусиятлари, тасвирий ва ифодали воситалар: метафора, таққослаш, размлар, аллюзиялар; фольклорга мурожаат, яъни мақол ва мақоллардан фойдаланиш каби масалаларни очиқ беришга хизмат қилган;

Р. Бенчли ва Ж.Тёрбер адабий-сатирик ижодининг бадиий-тарихий, ғоявий-ижтимоий шартланганлигида илмий натижалари Бухоро вилоят телерадиокомпанияси Бухоро каналининг «Махсус репортаж» кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 09 октябрдаги 02-15/3178-сон гувоҳномаси). Натижада Жеймс Тёрбернинг қисқа ҳикоялари мисолида ХХ аср бошларида Америка сатирик қисқа ҳикоясининг хусусиятлари ва америкалик ёзувчилар сатирик образларни тасвирлашда ишлатган турли бадиий ва стилистик услублар билан томошабинларни таништиришга имкон берган;

тадқиқотнинг Р. Бенчли қисқа ҳикоялари ва Ж. Тёрбер қисқа ҳикояларида «кичик одам» образининг ёритилиши билан боғлиқ хулосалардан Ҳиндистон элчихонаси ҳузуридаги Лал Баҳадур Шастри маданий марказида қилинган маърузада фойдаланилган (Ҳиндистон элчихонаси ҳузуридаги Лал Баҳадур Шастри маданий марказининг 2020 йил

18 мартдаги сертификати). Натижада «Миллатлараро муносабатларни янада ривожлантиришга бағишланган илмий тадқиқотларни ташкил этиш» ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлардаги кўрсатмаларни амалга оширишга хизмат қилган;

диссертацияда баён этилган фикрлар, келтирган мисоллар, таҳлил этилган асарлар ҳақидаги қараш ва кузатишлардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги «Нилуфар» ижодий тўғараги машғулотларида замонавий ўзбек сатирик ҳикоячилиги ривожини ўрганиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 26 ноябрдаги 01-03-05/1023-сон маълумотномаси). Натижада Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Гафур Ғулом, Ўткир Ҳошимов ҳамда Анвар Обиджон сатирик ҳикоялари таҳлилида муаллифнинг янги интертекстуаллик таҳлил услуби ҳамда мушоҳадалари амалиётда кенг қўлланилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 та хорижий (1та Scopus базасидаги) журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Америка сатирик новелласининг назарияси ва миллий хусусиятлари**» деб номланган биринчи боби учта фаслдан иборат. Биринчи фасл замонавий адабиётшуносликдаги юмор ва сатира назариясини ўрганишга бағишланган. Комедия жанрлари ҳар бир халқ маданияти ривожига муҳим роль ўйнайди. Улар маълум бир жамиятнинг психологиясини акс эттиради, маълум маънода улар жамиятнинг юзидир. Замонавий адабиётшуносликда турли мамлакатларнинг кулги маданиятига, унинг миллий ўзига хослигини аниқлашга етарлича эътибор берилмайди. Ҳар

бир мамлакатда комик (ҳажвий) адабиёт ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтган бўлиб, муайян кишиларнинг урф-одатларини, ижтимоий психологиянинг ўзига хос хусусиятларини, эстетик завқни ўзида мужассам этади ва инсонларнинг имкониятларини, ўзини англаш даражасини, умуман олганда, маданиятини акс эттиради.

Барча халқлар ҳазил туйғусига эга, аммо комизм (кулги)нинг табиати, комедия жанрларининг поэтикаси халқ оғзаки ижодида ва бадиий адабиётда турлича бўлиши мумкин. Маълум бир халқ маданияти комик поэтикасини бошқа халқ ва миллатлар маданиятидаги ўхшаш ва фарқли ҳодисалар билан таққослаган ҳолда ўрганиш истиқболли тадқиқотлар сирасига киради. Америка адабиёти хусусида фикр юритилса, бирор бир насрий асар йўқки, унда америкалик ёзувчи маълум даражада комизм элементини қўлламаган бўлса.

«Сатира» ва «юмор» тушунчалари борасида ҳали ҳануз бир тўхтама келинмагани ва турли мунозаралар, уларни атрофлича тадқиқ этиш кераклигини англатади. Баъзан сатирага лирика, дoston ва драмалар билан бир қаторда (Л. Тимофеев, Я. Элсберг, А. Макарян ва бошқалар) ҳатто адабиётнинг тўртинчи тури сифатида қаралиб, ҳақиқатни акс эттиришнинг ўзига хос усули деб ҳисобланади (И. Эвентов).

Бугунги кунда сатира – шахс хатти-ҳаракатларини танқид қилиш учун ишлатиладиган жуда кучли бадиий шакл. Ушбу шаклнинг хусусиятлари олимлар томонидан турлича аниқланган. Сатира ҳақидаги бир қанча танқидий китоблар муаллифи М.Д. Флетчер буни «*verbal aggression in which some aspect of historical reality is exposed to ridicule*»<sup>4</sup>, яъни сатира тарихий воқеликнинг баъзи жиҳатларини масҳара қиладиган ижтимоий вербал агрессивлик, деб билади.

Сатира бир неча йиллар давомида узок йўл босиб ўтди. Янгича талқинда сатира – адабиёт ва ижрочилик санъатининг жанри ҳисобланиб, кишилар, корпорациялар, ҳукуматлар ёки жамиятдаги иллатлар, андишасизлик ва камчиликларнинг яхшиланишига умид қилинади ҳамда қаттиқ масҳара қилинади (қораланади).

Гарчи сатира одатда ҳазилни англатса-да, унинг асосий мақсади кўпинча конструктив ижтимоий танқид бўлиб, у жамиятнинг аниқ ва кенг қамровли муаммоларига эътиборни жалб қилиш учун фойдаланилади.

Юмор (ҳазил) га келсак, унинг комизми баҳс-мунозарани келтириб чиқармайди, чунки унинг асосида кулги ётади. Бироқ аксарият олимлар юмор ва сатира кесишуви ҳақидаги фикрга қўшилишади, гарчи юмор ва сатира қачон ва қандай нуқтада кесишуви борасида баъзи бир келишмовчиликлар мавжуд бўлса-да, индивидуал даражада, сатирик хабарларни идрок этиш ва талқин қилиш кескин фарқ қилади.

---

<sup>4</sup>Fletcher, M.D. Contemporary Political Satire: Narrative Strategies in the Post-Modern Context. Maryland: Lanham, 1987. (ix)

Хабарни эшитувчининг кулиши сатиранинг талаби эмас «*Laughter on the part of the message recipient is not a requirement of satire*»<sup>5</sup> (Mattingly 1958), ammo бу кўпинча сатира жанрининг асосий мотивларидан биридир «*it is often one of the underlying motives of the genre*»<sup>6</sup> (Gruner 1965).

Р. Фиддиан таъкидлаганидек: «*Comedy and satire often appear in the same texts and are consequently often muddled together as cognate aspects of humour. Alternatively, they can be kept apart in a binary that contrasts pleasure-giving comedy to seriously critical dark satire*»<sup>7</sup> - «комедия ва сатира кўпинча битта матнда пайдо бўлиб, юморнинг когнитив томонлари сифатида кўпинча ўзаро қоришиб кетади». «Шунингдек, завқ бағишловчи комедияни жиддий танқидий қоронғу сатирага қарама-қарши қўювчи икки системага ажратиш мумкин». Р. Фиддианнинг нуқтаи назарини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз, чунки тадқиқотимиз объекти ҳисобланмиш Р. Бенчли ва Дж. Тёрбер ҳикояларини завқ бағишловчи «жиддий танқидий сатира» деб аташ мумкин.

Биринчи бобнинг «Америка юмор ва сатирасининг миллий ўзига хослиги» деб номланган иккинчи фаслида Америка адабиёти комик жанрларининг хусусиятлари кўриб чиқилган.

Профессор А.С. Лиходзиевскийнинг сўзларига кўра: «АҚШ адабиётида тарихан юмор ва сатира орасида муайян муносабатлар шаклланган. Амалда биттаси иккинчисисиз мавжуд бўлмайди. Соф юмористик асар деярли йўқ (чунки уларда ҳар доим сатирик элемент алоҳида деталь, хусусият ва бошқалар кўринишида учрайди). Шу билан бирга, сатирик асарда ҳар доим алоҳида эпизод, сахна, образ ва бошқалар кўринишидаги юмористик киритмалар мавжуд».<sup>8</sup>

Танқидчилар Америка Қўшма Штатларидаги сатира ва юмор ўзаро боғлиқлигига аллақачон эътибор қаратишган. Х.Томпсон ва Г.Кенби юмор ҳақидаги «Америка Қўшма Штатларининг адабий тарихи» (1955й) номли мақоласида: «...Юмор ва сатира жамиятимизда шаклланган инсоний феъл-атвор тасвирланган жойда ажралмасдир («...Юмор и сатира нераздельны там, где изображается человеческий характер, сформированный нашим обществом»<sup>9</sup>) деб ёзишган. Америка юмори ҳамиша сатирик тенденцияга эга деган фикрни рус тадқиқотчилари ҳам қўллаб-қувватлашади<sup>10</sup>.

Ихтирога маълум бир иштиёқ билан америкаликлар ёвуз эмас, балки кулгили сатирани кашф этишди. Америка фольклор юморидаги гиперболиклик, экстравагантлик, ўта фантастиклик, қўполлик музокарага ўрин қолдирмайдиган хусусиятлар ҳисобланади.

Америка ҳазилини тушунишда энг катта тўсиқ шундаки, у ўткир, чалғитувчи, қўрқитувчи ёки ҳатто шавқатсиз бўлиши мумкин эди.

<sup>5</sup> Mattingly, G. Machiavelli's Prince: Political science or political satire? *The American Scholar* 27(4). 1958. – С.482–491.

<sup>6</sup> Gruner, C. R. An experimental study of satire as persuasion. *Speech Monographs* 32(2). 1965. – С. 149–153

<sup>7</sup> Phiddian, R. *Satire and the Public Emotions*. CambridgeUniversityPress, 2019. – С. 84

<sup>8</sup> Лиходзиевский А.С. Своеобразие американского сатирического романа 50-60х годов XX века. Автореф. дисс. канд фил. наук. - Москва: МОПИ им Н.К.Крупской, 1982, - С.5.

<sup>9</sup> Литературная история США. – М.: Прогресс, 1978, Т.2, - С.306.

<sup>10</sup> Самохвалов Н. Американская литература XIX века. - М.: Высшая школа, 1964

Кристофер Морли 1933 йилда шундай деган эди: «*There has always been something sui generis in the American comic spirit, though I don't know that it has ever been recognizably defined. A touch of brutality perhaps? Anger rather than humor? Various words rise to the mind - sardonic, extravagant, and macabre – we reject each one, yet the mere fact that it suggests itself points to some essential hardness or sharpness of spirit*»<sup>11</sup> «Гарчи қачонлардир тан олинадиган даражада аниқланганлигини билмасам-да, Америка комик руҳиятида ҳар доим ўзига хос нимадир бор эди. Балким шавқатсизликдир? Юмордан кўра ғазабланишдир? Ақлга турли хил сўзлар келади – заҳархандалик, экстравагантлик, ғайриоддийлик ва ёқимсизлик – биз уларнинг ҳар бирини рад этамиз, аммо ўз-ўзидан маълумки, мазкур сўзлар қандайдир қатъиятлилиқ ёки ўткир руҳиятни кўрсатади».<sup>12</sup>

XIX аср охири – XX аср бошларида Америка юмори асосан газета ва журналлар доирасида ривожланади. Асосий шакллари – қисқа ҳикоя ва обзорчи (шарҳловчи) устунни. Ўша йилларда қисқа ҳикоя даврий нашрларнинг ажралмас қисми бўлиб, ўзига хос функцияларни бажарган: «сўнгги саҳифада» кўнгил очар материалларни таклиф қилган ҳолда, ноширлар бир вақтнинг ўзида бошқа маълумотлар, жумладан, реклама ва тижорат хабарлари ҳам эътиборсиз қолмаслигига умид қилишган. Газета ва журналларнинг рамкалари «кичик наср»га қуйидаги талабларни қўйишганди: воқеа қисқа, аниқ ва қизиқарли сюжетга эга ва имкон қадар қутилмаган яқун топган бўлиши керак эди.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, кейинги даврларда ҳам маданиятнинг асосий элементлари сифатида узунлиги ва уни ўқишга сарфланадиган вақтга кўра қисқа ҳикоя бир соатлик телевизион спектакль ёки икки соатлик фильмдан олдин кўрсатиладиган кўриниш деб қараларди.

Френк О`Коннор «Ёлғиз Овоз» (*The Lonely Voice*) қисқа ҳикоясини ўрганишга бағишланган тадқиқотида яққаланган ва «жамиятдан четда қолган инсон (*submerged population group*)»<sup>13</sup>, «кичик одам» ҳаётини ифодаловчи мазкур ҳикояни ҳикоя жанрининг идеал шакли сифатида кўриб чиққан; гарчи бу таъриф чекланган бўлса-да, ҳикоянинг шакли «ёлғиз овоз» сифатида тасвирланиши мумкин бўлган муайян мазмунга эга.

Генри Джеймс қисқа ҳикоя ёзувчиси сифатида ўз муносабатини намоёнкорона саҳналарни қамраб олувчи, жамиятга тезкорлик ва уддабуронлик билан қўшилиб кетадиган сураткашнинг муносабати билан солиштиради. Эҳтимол, айнан мана шу ҳаракатчанлик ҳисси ва демократик очиқлик тажрибаси Америка қисқа ҳикояси хусусиятини намоён этади.

Бобнинг «Америка сатирик новелласининг қисқача тарихи» деб номланган учинчи фасли АҚШ адабиётида ҳажвий новелланинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

<sup>11</sup> Christopher Morley, Foreword, in William Murrell, A History of American Graphic Humor (New York: Whitney Museum of American Art, 1933), I, ix. For the predisposition to violence, see Thomas L. Hartshorne, "Recent Interpretations of the American Character," American Studies International, 16 (Winter 1975), - С. 13-14.

<sup>12</sup>Таржима муаллифники

<sup>13</sup>Frank O'Connor, The Lonely Voice: A Study of the Short Story, first published 1963; Hoboken, NJ: Melville House Publishing. 2004, - С.15, 17

Америка адабиётида қисқа ҳикоя жанрининг ривожланиш тарихи икки юз йилни ташкил этади. Ушбу жанр сезиларли ўзгаришларга дуч келди, ривожланишда давом этиб, янги бадиий ечимларни талаб қиладиган муаммоларни илгари сурди. Адабиётшуносликда «short story» – қисқа ҳикоя термини етакчи бўлиб, «унинг ривожланишига маълум ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар таъсир кўрсатган».<sup>14</sup> Новелла термини АҚШда деярли жорий этилмаган ва жуда кам ишлатилади.

Ушбу жанрга таниқли америкалик ёзувчи Е.А. По асос солган. У жаҳон адабиётидаги энг буюк сатирик ёзувчилардан бири ҳисобланади. Жабрланган ва ночор одамларнинг ҳимоячиси адабиётнинг энг ўткир қуроли сифатида сатирани танлайди ва ўзининг ғазабли сўзлари билан халқ душманларига аниқ зарба берарди. Понинг асосий саъй-ҳаракатлари халқнинг эксплуатациясини сохта «фаровонлик» ва «ғамхўрлик» билан яширган ҳукмрон синфлар ва хизматкорларининг ёлғонлари ва иккиюзламачилигини фош этишга қаратилган эди.

О. Генри XX аср бошларида Америка китобхонларининг сеvimли муаллифларидан бири эди. Шов-шувларнинг моҳир устаси, тахмин қилинмаган тугалланмаларнинг етук мутахассиси новелла сюжетини шу қадар мукамалликка келтирдик, кўпчиликнинг фикрига кўра, ҳеч қандай янгилиги қолмагандек туюла бошлаган.

Тадқиқотининг иккинчи боби «**Роберт Бенчлининг ҳажвий новеллалари: жанрнинг ўзига хос хусусияти**» деб номланган ва XX аср биринчи ярмида Америка энг етук юмористлари ва сатирикларидан бири ҳисобланмиш Роберт Бенчли ижодига бағишланган.

Бобнинг «Р. Бенчлининг сатирик-юмористик новелласининг ўзига хослиги» номли биринчи фаслида Америка сатирик-юмористик новелласининг «қисқа ҳикоя» ва «иншо» каби ўзига хос жанрларига муурожаат қилинган.

Америкада сатирик роман жанрининг таниқли вакили Роберт Чарлз Бенчли (1889 - 1945) – америкалик эссеист, журналист, юморист, актёр ва сценарийнавис, газета шарҳловчиси, танқидчи ва кино актёри, «*Algonquin Round Table*» ижодий гуруҳининг асосчиларидан бири. Бенчли ҳанузгача кўплаб нозик ва ибратли афоризмларнинг муаллифи сифатида ёдга олинади. Бенчли ҳали Гарвард Университетида ўқиб юрган пайтидаги энг дастлабки иши «*Harvard Lampoon*»дан тортиб, етуклик йилларида «*Vanity Fair*» ва «*New Yorker*»да ёзилган мақолалари ва эсселаригача, машҳур қисқа метражли фильмлари сериялари ҳақида ҳатто гапирилмаса ҳам, унга ҳурмат ва муваффақият келтирган юмшоқ ва ақлли юмор усули билан ажралиб турган.

Роберт Бенчли сатирик-юмористик новелласининг ўзига хос хусусияти шундаки, у икки жанр «қисқа ҳикоя» ва «эссе»нинг қоришмасидир.

Маълумки, адабиётда, айниқса, XX аср адабиётида жанр аниқлигидан (хусусиятларидан) мутлақо маҳрум бўлган асарлар, масалан, эссеистик

---

<sup>14</sup> Верли М. Общее литературоведение. - М., ИЛ.1977. - С.116.

характердаги бадиий асарлар ҳақида сўз юритилади. Биз Роберт Бенчлининг «*Whoa!* (Вой!)» асари орқали новелланинг хусусиятларини кўриб чикдик.

Н.Х. Алимова «Америка қисқа ҳикояси: жанр масаласида» мақоласида қисқа ҳикоянинг қуйидаги хусусиятларини таъкидлайди: «Новеллада персонажлар сони чекланган (икки - учтадан кўп бўлмаган); ўткир, кескин сюжет, инсон ҳаётидаги муҳим аҳамиятга эга алоҳида воқеа тасвири; ўткир муаммо атрофида сюжет ривожланиши рўй берса-да, бу фақат битта воқеа; кўпинча рамзийлик элементлари мавжуд».<sup>15</sup>

Мазкур ҳикоя келтирилган таърифга тўлиқ мос келади ва новелланинг барча хусусиятларига эга: иккита персонаж мавжуд (Пол Ревер, АҚШ мустақиллик уруши қаҳрамони ва унинг оти – Бесси); 1775 йилда Бостондан Лексингтонга Британия кўшинларининг ҳужуми тўғрисида мустамлакачиларни огоҳлантириш учун келганида, нафақат унинг ҳаётида, балки бутун мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири содир бўлганлиги пародия қилинган; новеллада замонавий Штатлардаги бир қатор ўткир жамиятдаги адолатсизлик, болаларни эксплуатация қилиш, урушнинг шавқатсизлиги ва мамлакат бошқаруви сингари муаммолар очиб берилган. Буларнинг барчаси ўта моҳирона амалга оширилганки, китобхонда аралаш туйғуларни, яъни ҳам кулгини ҳам кўз ёшини келтириб чиқаради.

Агар биз рамзийлик элементлари ҳақида гапирадиган бўлсак, унда бу қисқа ҳикояда ҳамма нарса рамзий маънога эга: «ўн минглаб тўладан келган болалар илиқ кумда хурсанд ўйнашаётганда, ўн миллионлаб озғин, эти терисига ёпишган болалар ишлашга мажбур»лигида бойлар томонидан камбағалларнинг эксплуатация қилишини кўради, «сахна ортида ўрнатилган электр вентиляторнинг сунъий шабадасида юлдузли ва чизиқли байроқнинг тебраниши» эса бирорта ҳам табиий нарсаси йўқ; на ҳақиқий одамлар, на дўстлар ва на инсоний муносабатлари бор бутун мамлакатни англатади.

Иккинчи бобнинг «Р. Бенчли новеллаларида ҳикоя табиати ва нарратор образи» номли иккинчи фасли воқеаларни ҳикоя қилиш ва нарратор томонидан уларга баҳо бериш усуллари таҳлилини ўз ичига олган.

Бенчлининг юмори Гарварддалигидаёқ шаклланди. Унинг ораторлик маҳорати синфдошлари ва дўстларига аллақачон маълум бўлган эса-да, Лампон (*Lampoon*) даги иши унинг услубини шакллантирган.

Ўша пайтларда Артемис Уорд ва Петролеум Везувий Насби каби юмористлар услубидаги формал шаклланишга ҳурматсизлик билан қараган ва диалектларга таянган «*crackerbarrel*» услуби ва Оливер Уенделл Холмс томонидан оммалаштирилган ўта нафис, бадиий ва табиатан юқори услуб юморнинг кўзга кўринган услублари ҳисобланган.

Иккала услуб бир қарашда қарама-қарши кўринса-да, улар *Vanity Fair* ва *Life* журналларида бирга қўлланилган. *Lampoon* асосан Бенчли услубига мос келадиган охириги услубдан фойдаланган. Унинг баъзи асарлари *crackerbarrel* услубини намойиш этолмаса-да, Бенчлининг сўз ўйинига мойиллиги бадиий

---

<sup>15</sup> Алимова Н.Х. Американская новелла: к вопросу жанра. Филология и лингвистика. Международный научный журнал, Изд.: Молодой учёный, 2019 №1(10), - С.2

юмористлар билан кўпроқ резонанслашганини унинг шиддатли китобхонлари билан танилган «Нью-Йоркер»даги муваффақияти исботлайди.

Бенчлининг қаҳрамонлари одатда оддий кишининг бўрттирилган тасаввурларига хос эди. Улар оддий киши билан соғлом фикрлай олмайдиган омма ўртасидаги қарама-қаршилик яратиш учун ишлаб чиқилган.

Персонаж (қаҳрамон) жамиятнинг кўплаб хатти-ҳаракатларидан хижолат тортади ва кўпинча «бошқача» тарзда асабийдир – масалан, «*How to watch football* (Футболни қандай томоша қилиш)» эссесидаги қаҳрамон, шунчаки мухлис учун ҳаётини тажрибадан воз кечиш ва маҳаллий газеталарда хулосаларни ўқиш, оқилона деб ҳисоблайди.

«Кичик одам» деб таърифланган ва Марк Твеннинг кўпгина бош қаҳрамонларига қандайдир ўхшаш бўлган персонаж Бенчлининг ўзига асосланган, яъни автобиографик характердир; Бенчлининг 1930 йилларнинг бошларида ёзган асарларида қаҳрамон сақлаб қолинмади, аммо унинг ораторлик ва актёрлик ролларида сақлаб қолинди.

Нарратор образи – ҳикоя қилувчи қаҳрамон кулги элементини ташувчи ва Бенчли юмористик эссесининг марказига айланади, шунинг учун нима дейилгани эмас, балки ким ва қандай айтгани, инсон муаммолари ва муносабатларининг яширин сабабларини ким аён қилиши муҳимдир.

Шуни таъкидлаш керакки, муаллифнинг барча ҳикоялари биринчи шахс номидан ҳикоя қилинмайди. Ўтган замондаги учинчи шахс номидан ҳикоя қилиш Р. Бенчли новеллаларидаги асосий нарраторлик хусусиятлардан бири ҳисобланиб, «яширин муаллиф (нарратор)» китобхон ва тасвирланган шахс ўртасида воситачи ролини ўйнайди. Муаллифнинг овози, унинг фикри, позицияси чизикларда кесишади ва бу Роберт Бенчли услубининг танилган хусусиятларидан биридир. Муаллиф нуқтаи назари ҳар доим ҳам очиқ бўлмаса-да, яширин эмас, кўпинча «яширин муаллиф» кайфиятига мос.

Маърузачи ва кино актёри сифатида жуда машҳур бўлган Роберт Бенчли ўзининг «оддий бесўнақай» персонажини бадиий комедиячилар услубида ишлаб чиқди. Ўқитувчи сифатида у «қурол ва фотоаппарат билан овқат ҳазм қилиш канали орқали» ва «Тритоннинг ижтимоий ҳаёти» сингари мавзуларни чуқур муҳокама қилади. Ушбу ҳикоялар шундан далолат берадики, замонавий ҳаёт қандай муаммоларга дуч келмасин, у бир кризис кетидан яна бошқа бир кризис келишига дош беролмайди: галстук тақиш, банкда ҳисоб очиш, лифтга чиқиш ва ҳ.к.

Кўриб турганимиздек, Р. Бенчлининг нарратор образи – воизлик қиладиган, доно киши, ҳаммага ақл ўргатади ва кулгилар маслаҳатлар беради: «*How to Sell Goods* (Молларни қандай сотиш керак)», «*How to Sleep* (Қандай ухлаш керак)» (қисқа метражли фильм бўлиб, Бенчли ҳикоя қилувчи сифатида тушнинг тўрт қисми туш кўриш ва уйғонишдан сақланиш сабаблари ва усуллари муҳокама қилади), «*How to watch football* (Футболни қандай томоша қилиш)» ва ҳ.к.



Иккинчи бобнинг «Сатирист ва юморист Р. Бенчлининг маҳорати» номли учинчи фаслида Америка ёзувчисининг комедик асарлари стилистик хусусиятлари, комик образларни яратиш усуллари тадқиқ этилган.

Р. Бенчли новелла эсселарини таҳлил қилганимизда, сатирист ва юмористлик маҳоратининг ўзига хос хусусияти, унинг цитата, аллюзия, пародия сингари «интертекстлик ҳодисалари»<sup>16</sup> дан кенг фойдаланишида эканлиги аниқланди.

Биз тадқиқотимизда интертекстуалик тушунчасини ёзувчи мақсадини англаш ҳолатлари билан чекладик ва Бенчли новеллаларида уни тавсифлаш ва таснифлашнинг ўзига хос воситаларига эътибор қаратдик.

Биз интертекстуаликни поэтиканинг муайян тармоғи сифатида ўрганишга бағишланган ва «интертекстлик мақсади умуман олганда, манбалар назариясини алмаштириш эмас, балки матнларни ўқиш ва изоҳлашнинг янги усулини таклиф қилиш»<sup>17</sup> демак сингари фикрлар илгари сурилган дунёдаги биринчи таҳлилий тадқиқотлар муаллифи Н. Пьеге-Гронинг нуқтаи назарига тўлиқ қўшиламиз.

Муаллифнинг «*Whoa!*» новелласида бадий адабиёт, нотиклик ва сўзлашувнуткида стилистик воситалардан бири аллюзия (лотинча *allusio* - ҳазил, ишора) лардан фойдаланиш назарда тутилгани, кўпчиликка маълум деб тахмин қилинадиган ҳақиқий сиёсий, тарихий ёки бадий ҳақиқатга ишоралигини кўриб чиқамиз. Кўп ҳолларда ишора сифатида қитаталар ва иборалар ишлатилади.<sup>18</sup>

Ҳикоя «*Paul Revere leaped into his saddle* (Паул Ревер эгарга минди)» жумласи билан бошланади ва бунда Пол Ревер (1735-1818) нинг 1775 йил 18 апрель тунда Чарлстондан Лексингтонгача Массачусет колонистларини Британия кўшинлари яқинлашаётганидан хабардор қилишга отлангани ҳақидаги тарихий ҳақиқатга ишора кузатилади.

Ҳикоянинг сарлавҳаси ҳам рамзий маънога эга, қаҳрамон «*Whoa!*» буйруғи билан отнинг жиловини кескин тортиб, уни тўхтатади, уни отхонага қараб ўгирди, бундай ҳаракатни кўз-кўз қилиш учун эмас, балки «Тўхта!» деб, бутун Американинг ўша даврдаги сиёсий тизими ва турмуш тарзидаги бемаъни вазиятга ишора қилади.

«*The Mystery of the Poisoned Kipper* (Заҳарланган сельднинг сири)» қисқа ҳикоясида кўпол, шавқатсиз генерал Ханнафилднинг гуёки гиёҳванд моддалар билан заҳарлаб ўлдирилиши, аслида эса овқатни ҳазм қилмаслик натижасида вафот этганлиги ҳазил шаклда тасвирланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Жеймс Тёрбер сатира ва юморининг бадий ўзига хослиги**» деб номланган бўлиб, америкалик юморист ва сатирик ёзувчи комик асарларининг АҚШ адабиёти юмор ва сатира новеллалари ривожланишига таъсирини ўрганишга бағишланган.

<sup>16</sup>Пьеге-Гро Натали. Введение в теорию интертекстуальности: Пер. с фр. /Общ. ред. и вступ. ст. К. Косикова. - М.: Издательство ЛКИ, 2008, - С.5

<sup>17</sup>Пьеге-Гро Натали. Введение в теорию интертекстуальности: Пер. с фр. /Общ. ред. и вступ. ст. К. Косикова. - М.: Издательство ЛКИ, 2008, - С.3

<sup>18</sup> Белокурова С.П. Словарь литературоведческих терминов. 2005 (<https://rus-literary-criticism.slovaronline.com/>)

Учинчи бобнинг «Ж.Тёрбернинг комик новеллаларида замонавий Америка қиёфаси» номли фаслида реалист ёзувчи асарларида Америка ҳаёт тарзининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Жеймс Тёрбер (1894-1961) шак-шубҳасиз XX асрнинг етук адабий юмористи. Кинода ҳам, адабиётда ҳам комик даҳони баҳолаган, «Америка юморининг ривожланиши ва инқирози» китобининг муаллифи Жесси Бир Тёрберни Чарли Чаплиндан кейинги иккинчи ўринга қўяди.<sup>19</sup>

Тёрбер ижодини ўрганган таниқли олим Чарлз Холмс шундай деган: «*it is by now a truism to say that James Thurber is the greatest American humorist since Mark Twain*<sup>20</sup> (Жеймс Тёрбер эндиликда Марк Твен давридан бери Америкадаги энг буюк юморист)».

Шу сабабли, Тёрбер ишларининг кам ўрганилганлиги ажабланарли. Унинг ижоди Америка юморининг икки даврини ўз ичига олади: Иккинчи Жаҳон урушидан олдин ва кейин. Тёрбернинг урушдан юмори аёллар ва никоҳнинг муқаддаслиги, ватанпарварлик, қаҳрамонларга сифиниш ва ақл-идрокнинг ҳукмронлиги сингарикадриятларни фош қилиш ва рад этиш билан тавсифланади.

Ушбу давр қаҳрамони бироз асабий, юқори босим остидаги шаҳар ҳаётига мос келмайдиган шахс. Урушдан кейинги сатирик новеллаларида ўйноқиликдан хафагарчиликка, аёлларга нафрат (мисогиния)дан инсонларга нафрат (мизантропия)га, инсонни золим жамиятдан дунёга ўтказиш кузатилади.

Тёрбер ишининг асосий мавзуси қочишдир, чунки Тёрбернинг сўзларига қараганда, XX асрда ҳаёт муаммоларини оқилона ва мантиқий ҳал этиб бўлмайди. Инсоннинг ягона жавоби, одатда тасаввур ёрдамида муаммони четлаб ўтишдир. Урушдан кейинги даврда ҳақиқат хиралашиб борар экан, Тёрбер тасаввури илк асарларидаги дам олиш эмас, ҳақиқатга алмашади.

Тёрбер бугунги кунда асосан икки марта суратга олинган «*The Secret Life of Walter Mitty* (Уолтер Миттининг махфий ҳаёти)» (1939) новелласининг муаллифи сифатида танилган.

Учинчи бобнинг «Ж. Тёрбер нигоҳида ўрта Америкалик образи» номли иккинчи фаслида Америка психологияси хусусиятлари, америкаликларга хос одатлар, идеаллар ва психологик можаролар ёритилган.

Ўрта америкаликнинг типи ҳақида гапириладиган бўлса, биринчи навбатда унинг менталитети ҳақида фикр юритиш лозим. Айнан менталитет юморни идрок этишда из қолдиради, унинг хусусиятларини белгилайди.

Жеймс Тёрбер АҚШда нисбатан бадавлат оиладан бўлган «кичик одам» образига бағишланган энг машҳур «*The Secret Life of Walter Mitty*» сатирик асарни яратди. Митти – автомобил эгаси. Ҳикоянинг ҳаракати қаҳрамон ва унинг рафиқасининг шаҳар бўйлаб саёҳати. Уолтер ўзига ишончи йўқ, қўрқоқ, хотинининг бошқаруви остида, машинани жуда ёмон ҳайдайдиган шахс.

<sup>19</sup> Jesse Bier. *The Rise and Fall in American Humor*. New York: Holt, Rinehart, and Winston, 1968, - С. 209.

<sup>20</sup> Charles s. Holmes, *Thurber: A Collection of Critical Essays*. Englewood Cliffs, N.J.: Prentice-Hall, Inc., 1974. - С. 1.1

